

## ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ТАРИХДАН БОШҚА ТИЛЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ

Т.К.Мардиев СамИСИ доценти.

**Аннотация:** Ушбу мақолада биз ўзбек тилининг қадимдан бошқа қардош бўлган ва қардош бўлмаган тиллар билан уйғунлашиб борганлигини кузатамиз. Қадимда Ўрта Осиёда яшаган халқлар ва уларнинг маданияти билан биргаликда, уларнинг тилларида ҳам ўхшашлик ҳолатлари тез-тез учраб турган. Шу боис халқлар ўртасида алоқа воситаси бўлган тил доим ривожланиб баъзан айрим сўзлар эскириб, мулоқатдан чиқиб бораверади. Буни биз ушбу мақолада келтирилган мисоллар орқали кузатишимиз мумкин.

**Калит сўзлар:** алоқа воситаси, қардош бўлмаган, маданияти, уруғ ва қабилалар, милоддан аввалги, топонимикаси, шевалар.

**Аннотация:** В данной статье мы наблюдаем, что узбекский язык с древних времен гармонирует с другими родственными и неродственными языками. В древности народы, проживавшие в Средней Азии, и их культура часто имели сходство в языках. Поэтому язык, являющийся средством общения между народами, постоянно развивается, а иногда некоторые слова устаревают и выходят из общения. Мы можем наблюдать это на примерах, представленных в этой статье.

**Ключевые слова:** средства общения, неродственный, культура, роды и племена, до нашей эры, топонимика, диалекты.

**Annotation:** In this article we observe that the Uzbek language has been in harmony with other related and unrelated languages since ancient times. In ancient times, the peoples living in Central Asia and their culture often had similarities in languages. Therefore, language, which is a means of communication between peoples, is constantly evolving, and sometimes some words become outdated and go out of communication. We can see this in the examples presented in this article.

**Key words:** means of communication, unrelated, culture, clans and tribes, BC, toponymy, dialects.

**Кириш.** Ҳозирги ўзбек тили тарихан мураккаб ривожланиш ва шаклланиш босқичларини бошидан кечирган. Ўзбек тили уруғ ва қабила тиллари, халқ тили, миллий тил ва бир қатор қардош тиллар, шунингдек чет тиллар билан алоқада бўлиб келган. Туркий уруғ ва қабилалар тили жуда қадимий даврларда Ўрта Осиёда азалдан яшаб келган «эроний тиллар» билан алоқада бўлган. Ўрта Осиёда, жумладан ҳозирги Ўзбекистон территориясида яшовчи халқ эроний тиллар группасига кирувчи маҳаллий тил лаҳжаларида гаплашган. Бу эроний уруғ-қабилалар, халқлар — сўғдлар, саклар, массагетлар, бактрияликлар, папфияилап, париканийлар, хоразмийлар ва бошқаларнинг тили

бўлган. Шунингдек қадимий Бактрия подшолигида грек тилидан, шунингдек грек ва эроний тиллар қоришмасидан иборат бўлган тилдан ҳам фойдаланилган. Ҳозирги Ўрта Осиё ва Ўзбекистон территориясида туркий тилда гаплашувчи аҳоли ҳам қадимдан яшаган. Чунончи, туркий тиллар оиласига кирувчи тилда гаплашган хунларнинг милоддан аввалги II асрлардаёқ ҳозирги Ўрта Осиё территориясида яшагани маълум. Милоддан аввалги II—I асрларга келиб, Еттисув ва Сирдарё бўйларида хунлар кўпайган ва улар маҳаллийлашган эроний аҳоли скиф — массагетларга қўшилиб кетган. Мана шу даврларда туркий уруғ ва қабилалар билан эроний этник группалар ва уларнинг тиллари ўртасида алоқа ва қўшилиб кетиш ҳоллари юз берган. Ҳозирги туркий тиллар ва ўзбек тилида учровчи сўғд элементлари қадимий даврларда юз берган тиллар контакти натижасидир [1,69]. Чунончи, ўзбек тилидаги хом, кўп, калта, ғитта сўзлари сўғдчадир. Қадимий сўғд элементлари Ўзбекистон топонимикасида ҳам қисман сақланиб қолган: Кат, Новқат, Ватанзи, Варданзи, Истамзи, Жакардиз, Малакдиза, Шакардизм, Арвак, Карвак, Пишканак, Рафонак, Хивак, Испанза, Самарқанд, Лангар\Лангор ва бошқалар. Топонимик тадқиқотлар таркибида кент, -он\ён, -канд\қанд, -кан\қан, -кат-қат, -канда-ғанда, -диз-диза, -жон (канал, сув, маъносида), -ак-ик, лангар, -вар\вор, -за\зи, митан, арна элементлари бор топонимлар аслида сўғдча эканини кўрсатган. Ўрта Осиё, жумладан ҳозирги Ўзбекистон территориясида эроний тил характерига эга бўлган қадимий хоразм тили ҳам мавжуд эди. Бу тил билан ўша давр маҳаллий туркий тиллар орасида маълум алоқа бўлган. Тарихий манбалардан VII—VIII асрларда ва ундан олдин хоразм ёзуви кенг тарқалганлигини кўрсатувчи далиллар мавжуд. Бу ёзув Тупроқ қалъадаги архив ҳужжатларида қайд қилинган. Бу ёзув текстлари тери, ёғоч, тангалар, муҳрларга ва металларга битилган. XIII—XIV асрларда Хоразм аҳолиси. икки тилда — туркий тилда ва қадимий хоразм тилида гаплашгани маълум. Қадимги хоразм тили XIV асрларга келиб ўзбек тилига сингиб кетди. Натижада қадимги хоразм тилига оид баъзи сўзлар ҳозирги ўзбек тилида сақланиб қолган: хўп (хўб), боғ, почча (пиччоми-дадам), осмон (Туркий уруғ-қабилла тилларининг, кейинчалик ўзбек халқи тилининг эроний тиллар билан алоқаси уч даврий хусусият билан характерланади: 1. Туркий уруғ, қабилла тилларининг қадимий эроний қабилла ва уруғ тиллари билан алоқаси ва қўшилиши (қадимий даврларда). 2. Ўзбек тилининг форс-тожик адабий тили (IX—X, XI—XV асрлар) билан алоқаси. 3. Ўзбек тилининг маҳаллий тожик шевалари ва тожик халқ тили билан алоқаси (қадимдан то ҳозиргача) [5,65-787]. Қадимий эроний тиллар, тожик халқ тили, тожик адабий тили ва тожик халқ шевалари билан ўзбек тилининг тарихий алоқалари ўзбек тилига эроний ва тожик тилидан кўпгина сўзларнинг кириб келишига асос бўлди. Ўзбек тили

қадимий туркий қабила ва уруғ тиллари даврида олтой-мўғул тиллари билан ҳам алоқада бўлган. Ўзбек тилининг мўғул тили билан алоқаси қадимий даврларда, қадимий олтой тиллари билан муносабатларда ва XIII асрда мўғулларнинг Ўрта Осиёни истило қилиши даврларида юз берди. Ҳозирги ўзбек тили лексикасида учровчи бир қатор асли мўғулча сўзлар ёки турк ва мўғул тиллари учун умумий бўлган лексик қатлам шу адоқалар натижасидир. А. Навоий ёзган адабий тилда, умумтуркий ва маҳаллий шева элементларидан ташқари, қадимий уйғур, туркман, озарбайжон, араб, форс-тожик сўзлари учрайди. Чунончи қадимий уйғур тили элементларидан амуғ (барча, ҳамма), ариғ (то- за, соф), осиг (фойда, наф), ўгон (худо), укуш (кўп), уксук (камлик, озлик), қаю (қайси), битик (хат, ёзув) сўзларини кўрсатиш мумкин. А. Навоий тилида туркий лексиканинг ўғуз гуруҳи, яъни ғарбий тил элементлари ҳам учрайди. Эски ўзбек тили лексикаси қуйидаги ўғузча элементлар «оқими» («огузская струя») уч хил мураккаб манба натижасидир: 1) эски ўзбек тили лексик системасига сингиб кетган, унга диалектал компонент бўлиб кирган ўғуз диалект ва шеваларининг маҳсули; 2) ўша даврдаги маҳаллий ўғуз шеваларининг адабий тилга таъсири; 3) ўзбек тилига ўша давр туркман ва классик озарбайжон тилининг таъсири [5,78]. Шундай қилиб, ўзбек тили ўтмишда, қардош уйғур, озарбайжон, туркман тиллари билан алоқада бўлган ва улардан таъсирланган. Ўзбек тили ўтмишда бир қатор қардош бўлмаган, бошқа тизимдаги тиллар билан ҳам алоқада бўлган. Бундай тиллар форс-тожик ва араб тилларидир. Шунингдек ўзбек тили ўз ри- вожининг миллий тил ва рус тили билан алоқада ва ҳамкорликда бўлди ва бу ҳол давом этмоқда. Ўзбек тилининг чет тиллар билан алоқаси турли даража ва сифатий кўринишларга эга. Ўзбек тили контактда бўлган баъзи тиллар ўзбек тили лексикасида унчалик сезиларли из қолдирмади. Жумладан, хитой, ҳинд, қадимги грек тилларидан ўзбек тилига санокли сўзларгина кирган. Масалан: ҳинд тилидан бут, кўтвол, лак-лок (ранг), нил, нилуфал-нилупол (нилуфар), барақман, барча, биби, пайса, чандан-чандол (сандал), товус, чақмоқ чит (мато) ва бошқа хитой тилидан: чой, лағмон, шийпон, жамбул қабила кириб келган.

Ўзбек тили ўзаро контактда бўлган ва таъсирланган форс-тожик тили, араб тили, рус тили унинг луғат таркибида сезиларли из қолдирди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Бундай сабабларнинг муҳимларидан бири ўзбек тилининг форс-тожик, араб ва рус тиллари билан алоқасида ўзбек тилининг эгаси бўлган халқда икки тиллиликнинг юзага келганлигидир. Тилларнинг ўзаро алоқаси ва ҳамкорлиги кўп ҳолда бу тиллар орасида сўз алмашишга, бир тилдан иккинчи тилга сўз олишга боис бўлади. Бир тилдан иккинчи тилга сўз ўтиши учун шароит лозим. Бу шароит икки тилнинг шунчаки алоқаси, ёнма-ён яшаши, территориал яқинлашиши эмас, балки ўзаро таъсири, ҳамкорлиги, бу асосда

юзага келувчи икки тиллилик ҳодисасидир. Сўз ўзлашиши учун қабул қилувчи тил эгалари ёки уларнинг маълум қисми қабул қилинувчи элемент мансуб тилни маълум даражада билиши лозим. Ўзбек тили тарихда туркий тиллар оиласига мансуб қардош тиллар билан, чунончи, қозоқ, қирғиз, уйғур, қорақалпоқ, туркман, озарбайжон тиллари билан алоқада бўлган. Бундай муносабат ўзоқ ўтмишдан тортиқ ҳозирга қадар ҳам шаклланиб келмоқда. Мана шундай алоқа туфайли Ўзбекистоннинг кўпгина районларида ўзбек ва қирғиз тилида, ўзбек ва қозоқ тилида, туркман ва ўзбек тилида, татар ва ўзбек тилида, қорақалпоқ ва ўзбек тилида параллел гаплаша олувчи икки тилли аҳоли мавжуд. Бундай диглоссия, яъни генетик жиҳатдан алоқадор бўлган икки қардош тилда гаплашиш Ўзбекистонда яшовчи аҳоли орасида қадимдан мавжуддир. Ўзбекистон территориясида яшовчи халқлар, жумладан ўзбеклар орасида билингвизм ҳодисаси ҳам қадимдан мавжуддир. Ўз она тилидан ташқари, ўз тили учун қардош бўлмаган бошқа бир чет тилда ҳам гаплашиш ўзбеклар орасида анчадан бери мавжуд. Икки тил — ўзбек ва тожик тилларида гаплаша олувчи аҳоли Моварауннаҳр (Амударё ва Сирдарё ўрталарида) VI асрда ва ундан илгари ҳам истиқомат қилган. VI аср ва ундан кейинги даврларда туркий ва тожик тилларда параллел гаплаша олувчи аҳоли Шош вилояти (қадимги Бинкент — ҳозирги Тошкент атрофлари)да кўп учрар эди. Ўзбек-тожик икки тиллиги ўзбек аҳолиси орасида ҳозирда ҳам мавжуд. Самарқанд, Бухоро шаҳри, Самарқанд ва Бухоро вилоятларининг, шунингдек Фарғона водийсининг баъзи районлари аҳолиси ҳозирда ҳам ўзбек ва тожик тилларида бемалол гаплаша олади. Навоий даврида ўзбек-тожик икки тиллиги кенг тарқалган ҳодиса эди. Бу даврда икки тилда ижод қилган сермахзул шоирлар анчагина бўлган. Адабий ижод соҳасидаги икки тиллилик анъаналари Навоийдан кейинги шоирлар Махмур, Гулханий, Фазлий, Нодиралар ижодида ҳам давом этди. Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги даврида ўзбек-араб тиллари алоқаси юзага келди. Бу даврда араб тили давлат ва дин тили, фан ва расмий ёзишмалар тили сифатида кенг тарқалди. Ўзбек тилига араб тилидан сўз олиш, асосан, ўзбек-араб билингвизми даврида (VII—IX асрлар) кучли бўлди. Кейинги даврларда ўзбек тилига янги сўзлар сезиларли даражада қабул қилинмади, балки ўзбек тилига кирган кўпгина арабча элементлардан бир қисмининг эскириши ва ўзбек тилидан чиқиш жараёни юз берди. Алишер Навоий тилида ишлатилган кўпгина араб сўзлари XIX аср ўзбек тилида, шунингдек ҳозирги ўзбек адабий тилида учрамайди. Араб тилининг ўзидан бевосита сўз олиш XI асрлардаёқ деярли тўхтаган эди. Аммо турли даврларда арабча ёзма манбаларда, шунингдек эски ўзбек тили ёзма ёдгорликларида сақланган арабча сўз гуруҳлари у ёки бу даврларда активлашиб турди. Масалан, XX аср бошларида ва 20-йиллар ўзбек тилида илмий

терминлар сифатида активлашган арабча сўзлар ана шу кейинги манбалардан олинган эди.

Хулоса қилиб айтганда тил чегара билмас уммонга ўхшайди. Унидан фойдаланувчилар барча замонларда унинг кўламини кенгайтириб боришган. Ҳалқлар ўртасидаги алоқа воситаси бўлган тил доим ривожланиб баъзан айрим сўзлар эскириб, мулоқатдан чиқиб бораверади. Буни биз ушбу мақолада келтирилган мисоллар орқали кузатишимиз мумкин.

## АДАБИЁТЛАР

1. Абдуазизов А. Тилшунослик назариясига кириш 2-нашр. - Т.Шарқ, 2010. 69-150 б.
2. Апресян Ю.Д. Избранные труды. Том II. Интегральное описание языка и системная лексикография. – М.: – Языки русской культуры, 1995.- 766 с.
3. Арутюнова Н. Д. Выделение // Логический анализа языка. Ментальные действия. – М.: Наука, 1993.-216 с.
4. Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1974.- 307 б.
5. Ҳожиёв А. Ўзбек тилининг лексикологияси. –Т.: фан, 1981.-654.

## APPLIKATIV MODEL LINGVISTIK TAHLIL USULI SIFATIDA

**Samandarov R.D**

SamISI, Tillarni o'qitish  
kafedراسи dotsenti (PhD)

**Аннотация.** Mazkur maqolada tilshunoslikda modellashtirish, xususan applikativ model, uning o'ziga xos xususiyatlari haqida so'z yuritilgan. Shuningdek, ishda applikativ modelning transformatsiya va derivatsiya jarayonlari bilan bog'liqlik hamda farqli jihatlari tahlil qilingan. Shu bilan birga, maqolada yasama so'zlarning applikativ usul bilan hosil bo'lishi, leksik derivatsiyada operand, operator hamda applikator atamallari misollar asosida tavsiflangan.

**Калит so'zlar.** Applikatsiya, applikator, relyator, operand, operator, genotip, fenotip.

**Аннотация.** В данной статье мы поговорим о моделировании в лингвистике, в частности о аппликативной модели, ее специфических особенностях. В исследовании также анализировалась взаимосвязь и различные аспекты аппликативной модели с процессами трансформации и деривации. В то же время в статье на основе примеров рассматривается образование производных слов аппликативным методом, операнд, оператор и аппликаторные термины в лексической деривации.

**Ключевые слова:** Апликация, аппликатор, релятор, операнд, оператор, генотип, фенотип.